

Маориф ва маданиятга ниҳоят даражада сувсагон Туркистонда уч ярим йиллик инкилоб давринда эзилган халкнинг тараккий ва таолийси учун нима ишлар килинди, қандай муассасалар вужудга кетуридди?

Бу улуг саволга аччиг бўлса-да, тубандаги сўзлардан бошқа тўғрироқ жавоб тополмаймиз:

Бу уч ярим йиллик инкилобий даврда кўп сўзлар сўйланди. Митинглар килинди, ташвиқотлар этилди. Ва гоёт яхши қарорлар чиқарилди. Лекин йўқ даражасинда оз иш килинди. Мактанурлик ва ифтихор этурлик ишлар хануз ишланмади.

Халкнинг олдин бориши, юртнинг тинчланмоғи ва кучли бўлмоғи маориф, аскарлик, иқтисод ва дехкончилик ишларининг тузук бир-бирига қўйилиши билан бўладурким, маалтаассуф, бу тўғриларда хануз халқ учун фойдали ва кўзга кўринурлик ишлар килингон эмас.

Маориф ишлари гоёт паришон бир холдадир. Мактаб бор, дуруст муаллим йўқ. Талаба бор, лекин унга кераклик китоб йўқ ёки мактабда кифоя этатургон асбоб (мисол, парта, печка, ўтун) йўқ. Бу холда биз маориф ишлари тевишли йўлга қўйилгон дея олмаймиз. Аскарлик жихатидан ҳолимиз ундан ҳам ёмондир. Холбуки, юртни сакламок ва халкнинг тинчлигини тайин этмак учун аскар керакдир. Туркистоннинг ерли аҳолисиндан аскар олмок учун марказда яхши қарорлар чиқарилгон ва бултур аскар олина бошлагон бўлса-да, бу ишдан хануз яхши бир натижа кўра олгонимиз йўқ.

Агар бизнинг бошқа қарор ва ишларимиз ҳам шунингдек эътиборсиз ва натижасиз ўтуб кета берса, биз бу хол билан дунёда ҳеч бир иш қила олмаймиз.

Зироат ишлари аввалги ҳолидан ҳам неча даража кейинда қолди. Биз инкилоб даврида зироат ишларини бир йўлга солмок ўрнида дехконларни таладик. От ва ҳўкизларини олдик, отрядлар юбориб дехконларни таёқ ости қилдик, хотун, бола-чақаларининг ор ва номусига тажовуз этдурдик. Муниг билан уларнинг қўнглини ишдан совутдик. Охири, бу ишларимизнинг хато эканлигини билиб энди алар билан тўғри муомала этарга

бошладик ва аларга ёрдам бермаклик лозимлигини англадик.

Сўз маносабати келгач, «Тил масаласи»дан бир оз ёзайлук.

Туркистонда аксар аҳоли мусулмон бўлдиги эътиборга олиниб, мундан уч йил бурун туркча тил - расмий давлат тили деб эълон этилса-да, буни амалга киргизмак учун хануз жиддий тадбир кўролмадик. Балки бу «эски хаммом-эски тос» мазмунича кўп махкама ва идораларда хануз рус тили ҳукм фармойишдадир.

Ҳукуматнинг идора ва махкамаларида туркий тилни ишлатмак учун бошлаб таржимонлар, мирзолар ва бухгалтерлар етишдурмак керак эди ва мунинг учун керакли ишлар хозирламак лозим эдики, маалтаассуф, бу ишлар бу кунгача ишланмади. Шунинг учун бу қарор ва буйруқ-дан ҳам яхшироқ натижа чиқмади. Юқоридаги баёнотдан маълум бўладиким, биз хануз «сўз» ва «қарор» даврида бўлиб, бу уч ярим йиллик инкилоб замонида буйруқ, қарордан бошқа жиддий ва фойдали бирор иш кила олмагон ва бошлагон ишларимизни тинчлик бир йўлга кўя олмагон эканмиз. Энди қуруқ сўз ва қарорлардан тўйдик. Энди бизнинг ишламакимиз керак. Ва иш билатургон ишчилар етишдирмоғимиз керак!

*«Меҳнатқашлар товуши» газетаси, 1921 йил, 26 май*